

### ***Абдурасулова Кумринисо Раимқуловна***

*Тошкент давлат юридик университети, Жиноят хуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашии кафедраси, ю.ф.д., профессор*

### ***Аламонова Шоира Эргаш қизи***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хуқуқий сиёсат тадқиқот институти катта маслаҳатчиси*

## **ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### ***Абдурасулова Кумринисо Раимқуловна***

*Ташкентский государственный юридический университет, кафедра уголовного права, криминологии и борьбы с коррупцией, д.ю.н., профессор*

### ***Аламонова Шоира Эргаш қизи***

*Исследовательский институт правовой политики при Министерстве юстиции, старший консультант*

## **ПЕРСПЕКТИВЫ СОЗДАНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПЕНИТЕНЦИАРНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

### ***Abdurasulova Kumriniso***

*Tashkent State University of Law, Department of Criminal Law, Criminology and fighting against corruption, Doctor of Law, Professor*

### ***Alamonova Shoira***

*Research Institute of Legal Policy under The Ministry of Justice, Senior consultant*

## **PROSPECTS FOR ESTABLISHMENT OF DISTANCE EDUCATION IN PENITENTIARY INSTITUTIONS**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг хуқуқлар кафолатланиши белгилаб ўтилган. Жазони ижро этиш муассасаларида муддатини ўтаётган маҳкумларга нисбатан ижтимоий реабилитация дастурларининг бир кўриниши сифатида таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш мазкур кафолатларнинг амалдаги исботи бўлиб хизмат қиласди.

Қайд этиш лозимки, жазони ижро этиш вақтида маҳкумларнинг ижтимоий реабилитацияси билан шуғулланиш уларни муассасадан жамиятга қайта мослаштириш фаолиятини муассасалар(ЖИЕМ)нинг ўзида бошлаш (таълим, касбий тайёргарлик ва шу каби қатор дастурлар орқали) маҳкумларнинг бу борадаги хуқуқ ва эркинликларини таъминлаши билан бир қаторда, такрорий жиноятларнинг олдини олади, жиноятлар сонини камайтиради.

**Маълумот учун:** 2017 йилги РАНД ҳисоботида таълим дастурларида (масалан, молиявий саводхонлик дастурларида) иштирок этувчи қамоқقا олинган шахсларнинг қамоқча қайтиши эҳтимоли 43 фоизга камроқ эканлиги аниқланган. Улар, шунингдек, бу шахсларнинг озод этилганидан кейин иш топиш эҳтимоли 13% га қўпроқ деган холосага келишди[1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги 3723-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Концепциядан келиб чиқиб, жазоларни либераллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур ислоҳотлар доирасида ўтган қисқа даврда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг умумий ўрта ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиши учун олтида жазони ижро этиш муассасасида умумтаълим, тўрттасида эса касб-хунар ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Жиноят-ижроия кодексида ҳам маҳкумларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини назарда тутувчи нормалар мавжуд[2]. Шунингдек, “Уста-шогирд” тизими асосида маҳкумларни касб-хунарга йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда[3].

Бундан ташқари, 2020 йилда Ўзбекистон Президентининг «Жиноий жазони ижро этиш тизимида таълимни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган ва меъёрий ҳужжат лойиҳасида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг масоғавий таълим шакли орқали умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиши учун жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим ва касб-хунар ўргатиш марказларида, олий маълумот олиши учун эса тегишли олий таълим масканларида маҳсус ўқув гурухлари ташкил этилиши кўрсатилган. Бироқ мазкур қарор шу кунга қадар қабул қилинмаган. Қолаверса, лойиҳада маҳбусларнинг олий маълумот олиши учун маҳсус ўқув гурухлари ташкил этилиши мўлжалланган олий таълим масканлари доираси чегараланган бўлиб,

уларнинг умумий сони 7 тани ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, маҳбусларнинг олий таълимга бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қамраб олмайди.

Такрорий жиноятларнинг олдини олиш, маҳбусларнинг ижтимоий ҳаётга мослаштириши осонлаштириш мақсадида уларнинг олий маълумот олишини масофавий тарзда йўлга қўйиш ҳамда таълим бериладиган йўналишларнинг қамров доирасини кенгайтириш зарурати мавжуд.

**АҚШнинг** қатор штатларида маҳбусларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва бу орқали уларнинг жамиятга қайта интеграциялашувига ёрдам бериш учун ФДИСнинг “Money smart” дастурлари фаолият юритмоқда. Хусусан, **Массачусетс штатида** Қўшма Штатлар Пробация идораси суд томонидан жиддий молиявий мажбуриятларга эга бўлган ёки ўз молиясини бошқаришда қийналаётган ҳуқуқбузарлар учун олти ҳафталик 90 дақиқалик дарслардан иборат курслар фаолияти йўлга қўйилиб, улар бюджет тузиш, жамғарма, ҳисобкитоб ҳисобини очиш ва юритиш, электрон банк, кредит таъмиглаш, бўлиб-бўлиб тўлаш кредитлари ва солиқлар каби мавзуларни қамраб олди. **Флорида штатидаги** гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолари бўлган маҳкумларнинг жамиятга қайтишига ёрдам бериш учун 12 ва 18 ойлик молиявий саводхонлик дастурлари онлайн амалга оширилган. ФДИС “Моней Смарт” дастури тугаллангандан сўнг уларга битирув сертификати берилган. Мазкур курсларнинг самараси курсдан ўтган маҳбусларнинг 80 фоиздан ортиғи озодликка чиққандан кейин янги жиноят содир этмаганлиги билан баҳоланган[4]. Бундай дастурлар бугунги кунда **Буюк Британия, Эфиопия, Эстония** каби давлатларда ҳам йўлга қўйилган.

**Буюк Британия**да ташкил этилган «Open university» Буюк Британия қамоқхоналарининг энг йирик масофавий олий таълим провайдери ҳисобланади. У Буюк Британиядаги аксарият қамоқхоналарда 1700 га яқин талабаларга олий таълим курсларини тақдим этади. Мазкур университетга кириш учун бошланғич курсларни молиялаштириш Буюк Британия ҳукумати томонидан қисман субсидияланади, лекин катта ёшли маҳкумларнинг аксарияти «The Prisoners Education Trust» каби хайрия ташкилотлари орқали молиялаштириш учун ариза топширади. Ҳозирда қамоқхонадаги талабалар учун университетнинг деярли ҳар бир факультетида таҳсил олиш имконияти мавжуд.

**Германия**да ҳар бир маҳкумнинг индивидуал қайта ижтимоийлаштириш дастури мавжуд бўлиб, дастур маҳкумнинг таълимими, шу жумладан, **олий маълумот** билан ҳам таъминлаши мумкин. Олий маълумот олишни хоҳловчилар Гелдерн ёпиқ турдаги қамоқхонага жойлаштирилиб, Хаген университетида масофавий ва сиртқи ўқишлари мумкин[5].

Финландияда қамоқхоналарда умумий, олий таълим ва кенг кўламли касб-хунар таълими олиш (касбий таълим 24 модулга бўлинган) имконияти мавжуд. Бунда қамоқхоналар хусусий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаларини тузадилар. Таълим инспектори билан биргаликда ижтимоий ишчи маҳкумларни ўқитиш жараёнини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласи. Агар маҳкум ёпиқ қамоқхонада бўлса, ижтимоий ходим қамоқхонанинг маҳсус жиҳозланган синфларида ўқитишини ташкил этиш тўғрисида таълим муассасаси билан келишиб олиши керак. Имтиҳонлардан ўтган маҳкумлар олий маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Австралияда Квинсленд(The University of Southern Queensland (USQ)) университети 30 йилдан ортиқ вақт давомида қамоқхоналарга олий таълим хизматларини кўрсатиб келмоқда. Даставвал, Австралия қамоқхоналарида Интернетдан фойдаланиш тақиқланганлиги масофавий таълимдан фойдаланиш имкониятларини бироз чеклаган. Бироқ 2015 йилда қамоқхоналарнинг таълим лабораторияси серверига Моддининг «USQ Study Desk» деб номланган версияси ўрнатилиши билан маҳкумларнинг Интернетдан фойдаланмаган ҳолда мазкур платформага юкланган маълумотлар асосида таълим олиши янги босқичга кўтарилиган[6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

масофавий таълим шакли орқали таълим олиш истагида бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни ўқишига қабул қилиш, шу жумладан ҳужжатларини расмийлаштириш, топшириш, имтиҳонларни қабул қилиш ва натижасини эълон қилиш тартибини ишлаб чиқиш;

маҳкумлар озодликка чиқишдан олти ой олдин уларнинг ижтимоий қўниқмалари ва молиявий саводхонлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда масофавий ўқитилишини амалга оширувчи дастурлар фаолиятини йўлга қўйиш;

республика миқёсида олий таълим хизматларини кўрсатаётган хусусий университетлар билан ҳамкорликда маҳбусларнинг масофавий олий таълим министри ташкил этиш;

Финландия тажрибасидан келиб чиқиб якуний имтиҳонлардан ўтган маҳкумларга олий маълумот бериш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://www.sarccenterfoundation.org/faith-in-small-things>
2. <https://lex.uz/docs/-163629>
3. <https://yuz.uz/uz/news/mahkumlarning-ham-talim-olish--huquqi-kafolatlanadi>

4. <https://www.fdic.gov/resources/consumers/money-smart/money-smart-news/2012-fall-stories.html>
5. <https://www.dw.com>
6. file:///C:/Users/hp/Downloads/Article8.pdf
7. Турсунов, Ахтам Соловьевич, and Абдулазиз Каримович Расулов. "УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И БЕЗОПАСНОСТИ." Вопросы криминологии, криминалистики и судебной экспертизы 2 (2019): 40-44.
8. Расулов, А. К. "Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши қурашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати." (2018).
9. Расулов, Абдулазиз, and Гайрат Садуллаев. "Training of Personnel in the Field of Countering Cybercrime: the Need and the Requirement of Time." in Library 21.1 (2021): 123-130.
10. Расулов, Абдулазиз, Шухрат Мирзаев, and Эльдар Шайдулин. "Организационно-правовые аспекты развития цифровизации в сфере юстиции: тенденции и перспективы." Общество и инновации 2.6 (2021): 125-133.
11. Расулов, Абдулазиз, and Баходир Исмоилов. "Организационно-правовые аспекты применения цифровых технологий в противодействии коррупции: зарубежный опыт правоприменительной практики." Общество и инновации 1.2 (2020): 300-320.
12. Расулов, Абдулазиз, and Эльдар Шайдулин. "Основные тенденции развития цифровизации органов юстиции Республики Узбекистан на современном этапе." Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1 (2022): 17-24.
13. Нематов, Жасур. "Определение статуса и особенностей проведения допроса участника уголовного судопроизводства." in Library 20.3 (2020): 57-58.